INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES
FEBRUARY 11-12,2021
JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal
ISSN: 2581-4230| Journal Impact Factor 7.232
www.journalnx.com

# PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC FINANCE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Abdujabborov Nurulhak Golibjon oglu
Andijan Institute of Mechanical Engineering, 2nd year student

**Annotation:**
The article discusses the prospects for the development of Islamic finance in Uzbekistan. The Republic of Uzbekistan has made great strides since independence, including freedom of religion and conscience, national legislation and the development of the national economy.

Мамлакатимизда банк-молия тизими хам хозирги глобаллашув давридан ўтмоқда ва ахолимизнинг 90% дан ортиғи мусулмонларни ташкил қилишини инобатга оладиган бўлсак, бизда хам ислом молиясини ривожлантириш вақти келди. Бу ҳақда давлатимиз рахбари Ш.М.Мирзиёев ҳам 29 декабрь 2020 йилдаги Парламентга мурожаатномасида хам таъкидлаб ўтди: “Мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунда Ислом Тараққиёт Банки ва бошқа ҳалқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади”.

Ўзбекистонда Исломий молиялаштиришга асосан лойиҳаларни амалга ошириш 2004 йилдан бошланган ва бу Ўзбекистоннинг 2003 йил сентябрда Ислом тараққиёт банки (ИТБ) томонидан энергетика ва соғлиқни сақлаш сохасида лойихаларни молиялаштириш учун “ижара” ва “муробаха” шартномаларидан фойдаланилган. Бироқ ИТБ Ўзбекистонда ўз фаолиятини мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаган ва бу аъзо бўлмаган давлатларнинг мусулмон жамоаларини қўллаб-қувватлаш дастури орқали грант лойихаларни амалга оширишда намоён бўлган.

Мусулмон давлатларидаги мавжуд исломий молиялаштиришга асосланган банклар, инвестиция фондлари ва компанияларнинг маблағларини юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва хусусий сеторни қўллаб-қувватлаш мақсадида жалб этиш айни муддаодир. Бунинг учун, албатта, миллий банк тизимига янгича ёндашув билан назар солмоқ лозим, яъни анъанавий молиялаштириш механизмлари билан бир қаторда шерикчиликка асосланган молиялаштириш механизмларини жорий этиш мухим хисобланади. Шу маънода, Ислом тараққиёт банки томонидан Ўзбекистонда “Вақф қонунчилиги”ни ва исломий молияга доир қонунчиликни ишлаб чиқишда кўмак бериш истаги билдирилди хамда керакли тадбирларни амалга ошириш бошланди. Тан олиш керакки, юртимизда ислом молияси бўйича МДҲ ва қўшни мамлакатларга қараганда

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal
ISSN: 2581-4230| Journal Impact Factor 7.232
www.journalnx.com

анча ортда қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳуқуқий базани, яъни қонунчиликнинг мавжуд эмаслигидир.

Қуйида Ўзбекистонда исломий молиялаштириш ривожланишининг SWOT таҳлили келтирилган:

*Кучли тарафлари:*

– Давлат рахбарининг қўллаб-кувватлаши;
– Ўзбекистон иқтисодиётини молиялаштириш учун;
– ИТБ гурухидан қўшимча маблағларни мақсадли ва самарали ишлатиш;
– Жахондаги исломий банклар банкротлик холатининг мавжуд эмаслиги ва механизмлар барқарорлиги.

*Имкониятлар:*

– Молиялаштириш манбаларини, айниқса, кичик бизнес учун диверсификациялаш;
– Ўзбекистонда реал ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
– Яқин Шарқ ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларидан инвестицион маблағларни жалб қилинган тақдирда Ўзбекистон иқтисодиёти учун бевосита нафлар;
– Исломий молиялаштиришни муваффақиятли жорий этаётган дунёвий давлат сифатида Ўзбекистон обрўсининг кўтарилиши;
– Анъанавий молиялаштириш томонидан лозим даражада қамраб олинган молиялаштириш бозорининг мавжудлиги;
– Ўзбекистон ахолисининг асосий қисми исломга эътикод этгани сабабли, мазкур молиявий махсулотларга барқарор талабнинг кутилиши;
– Исломий молиялаштириш тамойиллари ижтимоий тенгсизликни пасайтиришга ёрдам беради, ижтимоий адолатни мустахкамлайди;
– Муқобил молиявий махсулотлар пайдо бўлиши хисобига ахолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имконияти кенгаяди;
– Ушбу соханинг ривожида ғарб мамлакатлари қўллаб-қувватлашининг ошиб бориши;
– Хизматлар кўрсатиш учун платформанинг кенгайиши ва тармоқ ребрендинги жараёнининг ижобий қабул қилиниши;
– Судхўрлик қарз юкини пасайтириш ва мамлакатнинг тизим асоси бўла оладиган корхоналарни молиявий соғломлаштириш мақсадида, мамлакатнинг давлат ва хусусий корпоратив сектори доирасида жахонда муваффақият билан татбиқ этилаётган воситалар ва усулларни жорий этиш имконияти.

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal
ISSN: 2581-4230| Journal Impact Factor 7.232
www.journalnx.com

*Ожиз тарафлари:*

– Махаллий солиқ ва банк қонунчилигининг исломий молиялаштириш хусусиятига нисбатан бўшлиги ва мослашмаганлиги;

– Исломий махсулотлар билан ишловчи тажрибали ходимлар тақчиллиги;

– Паст даражада молиявий хабардорлик;

– Шўъба исломий молиявий ташкилотларнинг марказий ташкилотлар фаолиятига қарамлиги;

– Мусулмон мамлакатларида мазхабларнинг турлилиги;

– Исломий банкдан қарз олишнинг мураккаблиги.

– Ахолининг буткул янги молиявий махсулотларга ишончсизлиги;

– Амалдаги қонунчиликда тизимлиликнинг йўқлиги;

– Исломий молиявий махсулотларни солиққа тортиш билан боғлиқ жиддий муаммолар;

– Ушбу хизматлардан умумий фойдаланиш имконияти йўқлиги.

*Таҳдидлар:*

– Фирибгарлик хатари;

– Исломофобия, яъни терроризм ва экстремистик ташкилотларга алоқадорлиги тўғрисида турфа янглиш фикрлар мавжудлиги;

– Менталитет ва маданий тафовутлар;

– Анъанавий молиявий хизматларни таклиф этувчи ўзаро суғурталаш жамиятлари ва микромолиявий ташкилотлар томонидан рақобат хавфи;

– Йирик исломий инвесторлар кўз ўнгида инвестиция мухитининг воқеликда яратилмаслиги, мавжуд фактларни расман тан олишни истамаслик;

– Тушунмаслик натижасида махаллий тижорат банклари хусусий хиссадорлари тарафидан қаршилик кўрсатиш.

Куни кеча, яъни 25 январь 2021 йил Марказий Банкда Саудия Арабистони Қироллиги инвестиция вазири Холид Абдулазиз Ал-Фалиҳ бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув давомида ўзаро манфаатли хамкорликни йўлга қўйиш истиқболлари мухокама этилди. Хусусан, ислом молияси ва ислом банки тартиботларини жорий этиш, мамлакат банк тизимига инвестиция киритиш, хамда корреспондентлик муносабатларини ўрнатиш масалаларига эътибор қаратилди. Ўйлаймизки, яқин келажакда ислом молияси бўйича ҳуқуқий база яратилиб, қонунчилик

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal
ISSN: 2581-4230| Journal Impact Factor 7.232
www.journalnx.com

такомиллаштирилади ва ислом молиявий хизматларини жорий қилиш бўйича амалий ишлар бажарилади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Парламентга мурожаатномаси. 29декабрь 2020йил.
2. Исломий молия асослари. Е.А.Байдаулет 2018 й.